

Ўзбекистон Республикаси
“Хунарманд” уюшмаси
аъзолари навбатдан ташқари
IV Конференциясининг
2018 йил “21” сентябрдаги
Қарорига 2-илова


Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмасининг
Бадий кенгаши тўғрисида Низом

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш
- 3-боб. Бадий кенгашларнинг асосий вазифалари
- 4-боб. Бандий Кенгашларнинг ҳуқуқлари
- 5-боб. Бадий кенгашнинг фуқароларни уюшмага аъзоликка қабул қилиш тартиби
- 6-боб. Яқунловчи қоидалар

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни, Президентнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5242 сонли Фармони, “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3393 сонли қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарори ҳамда “Хунарманд” уюшмасининг уставига асосан ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари Бадий кенгашларининг (кейинги ўринларда Бадий кенгаш деб аталади) асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.



3. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмасининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг бадий экспертларидан ташкил топган коллегиял маслаҳат органи ҳисобланади.

5. Кенгаш фаолияти Уюшма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2-БОБ. КЕНГАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

6. Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмасининг Бадий кенгаши куйидаги тартибда тузилади:

- Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмасида – Уюшманинг Бадий кенгаши;

-Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармаларида – ҳудудий бошқармаларнинг Бадий кенгаши;

-туман (шаҳар) бўлимларида – туман (шаҳар) Бадий кенгаши.

7. Уюшманинг Бадий кенгаши раиси ва аъзолари Уюшма аъзоларининг Конференцияси қарорига асосан сайланади ва камида 5 нафар (Кенгаш раиси ва кенгаш аъзолари)дан иборат таркибда шакллантирилади.

Ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимларнинг Бадий кенгаш таркиби Уюшманинг Бадий кенгаши билан келишган ҳолда, ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан қоида тарикасида, камида 3 нафар (Кенгаш раиси ва кенгаш аъзолари)дан иборат таркибда шакллантирилади.

8. Бадий кенгаш аъзоларининг фаолият юритиш муддати 5 йил ҳисобланади.

9. Кенгаш таркибига етакчи санъатшунослар, хунарманд ва халқ амалий санъати усталари, олимлар ва мутахассислар киритилиши мумкин.

10. Бадий кенгаш раиси ва аъзолари бошқа ишга ўтса, соғлиги ёмонлашганлиги тўғрисида ушбу вазифани бажара олмаса, пенсияга чиқса унинг ўрнига Уюшманинг Бошқарув кенгаши қарорига асосан вақтинчалик аъзо тайинланади.

РУЙХАТГА ОЛИНДИ

№ 124/2018
«01» сентябрь 2018 й.

11. Кенгаш мажлисининг кун тартиби айна пайтда Кенгаш аъзоси хисобланган котиб томонидан тайёрланади.

12. Кенгаш мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар ойда камида бир мартаба ўтказилади.

13. Кенгаш котиби ўрганиладиган зарур ҳужжатлар тўпламини тайёрлаб, кўриб чиқиш учун Кенгаш мажлисига киритади.

14. Кенгаш, кўшимча ўрганишлар асосида хулоса бериш эҳтиёжи туғилганда тегишли мутахассислар жалб этишга ҳақли.

15. Кенгаш мажлиси Кенгаш раиси раҳбарлигида ўтказилади ҳамда Кенгаш қарори аъзоларнинг яқдиллиги билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

16. Кенгаш мажлисининг баённомаси, Кенгашнинг барча аъзолари томонидан имзолангандан сўнг кучга киради.

17. Кенгашда иш юритиш, ҳужжатларнинг сақланиши ва улардан фойдаланилиши учун масъулият, шунингдек қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш Кенгаш раисига юкланади.

3-БОБ. БАДИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

18. Уюшма Бадиий кенгашининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари Бадиий кенгашлари аъзолигига сайланган номзодларни тасдиқлаш. Бадиий кенгаш аъзолигига нолайик деб топилган номзодлар ўрнига бошқа номзодларни тавсия этиш;

-ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари Бадиий кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш (жумладан, жойига чиққан ҳолда), натижаси бўйича тегишли тавсиялар бериш;

-Бадиий кенгаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

-Бадиий кенгаш фаолияти билан боғлиқ низоли масалалар бўйича хулосалар бериш;

- ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари Бадиий кенгашлари аъзолари фаолиятига баҳо бериш ва натижаси бўйича уларни аъзоликдан чиқариш тўғрисида Уюшма Бошқарув кенгашига асослантирилган таклиф киритиш.

19. Ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари Бадиий кенгашларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлиш ва хунармандчилик фаолияти меъзонлари талабларидан келиб чиққан ҳолда

РУЙХАТГА ОЛИНДИ
№ 12/2018
«21» сентябрь 2018 й.

уюшмага аъзо бўлиш мақсадида мурожаат қилган жисмоний шахслар фаолиятининг хунармандчилик йўналишига тўғри келиши юзасидан хулоса бериш ва уюшма аъзолигига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хунармандчилик ва халқ амалий санъати маҳсулотларига оид эканлиги юзасидан экспертиза ўтказиб, хулоса бериш;

-хунармандчилик ва халқ амалий санъати маҳсулотларининг бадиий жихатдан даражасини аниқлаш, уларнинг қийматини баҳолаш ва мурожатларга асосан нархини белгилаш;

-“Уста-шогирд” мактабларини ташкил этиш, тавсия ва методик кўлланмалар ишлаб чиқиш;

-Уста (хунарманд) ва шогирд ўратасида тузиладиган тавсиявий характерга эга бўлган шартнома намунасини тасдиқлаш;

-миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати йўналишлари бўйича кўргазма, танлов-ямаркаларни ташкил этишда кўмаклашиш. Уларда иштирок этадиган хунарманд ва халқ амалий санъати усталарини саралаб олиш, кўргазма ва танлов натижалари бўйича энг яхши иштирокчи ҳамда голибларни аниқлашда қатнашиш;

-хунарманд ва халқ амалий санъати усталарига хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришлари учун ижтимоий ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда кўмаклашиш;

-хунарманд ва халқ амалий санъати усталарига ҳар томонлама ижодий ривожланишида амалий ёрдам бериш.

4-БОБ. БАДИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

20. Бадиий кенгашнинг ҳуқуқлари:

-мурожаат қилган фуқаролар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қонунда белгиланган хунармандчилик ва халқ амалий санъати маҳсулотларига тўғри келмаган тақдирда Уюшма аъзолигига қабул қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

-Уюшма билан тузилган аъзолик шартномасида хунармандга қўйилган талабларни бузган тақдирда уларнинг розилигисиз Уюшма аъзолигидан чиқариш;

-Уста (хунарманд)нинг “Уста-шогирд” мактабини ташкил этиш тўғрисидаги мурожаатини “Уста-шогирд” мактаби Низоми талабларидан ҳелиб чиқиб, асослантирилган ҳолда қаноатлантириш ёки рад этиш.

РУЙХАТГА ОЛИНДИ
№ 18/2018
2018 й. 12 ой 20 кун

21. Уюшма Бадий кенгаши худудий бошқармалар ва туман (шахар) бўлимлари Бадий кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва ваколати доирасида тегишли чоралар кўришга ҳақли.

22. Бадий кенгашнинг мажбуриятлари:

- Бадий кенгашга тақдим этилган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш;

- ҳолисона ва асослантирилган қарор қабул қилиш;

- Уюшмага аъзо бўлиш истагида зарур ҳужжатларни ва махсулотини тақдим этган фуқарога йиғилиш баённомасидан кўчирма тақдим этиш.

23. Бадий кенгаш аъзолари ушбу Низомда, бошқа қонун ҳужжатларида Кенгашга юкланган вазифаларнинг бажариши учун бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

5-БОБ. БАДИЙ КЕНГАШНИНГ ФУҚАРОЛАРНИ УЮШМАГА АЪЗОЛИКГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

24. Бадий кенгаш Уюшмага аъзо бўлиш истагида бўлган фуқароларни мурожаатларини ўрганиб чиқади ва улар фаолияти ҳамда ишлаб чиқарган махсулотларининг ҳунармандчилик йўналишларига тегишли ёки тегишли эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

25. Уюшмага аъзо бўлиш истагидаги фуқаролар мурожаатлари юзасидан қарор қабул қилишда бадий Кенгаш қуйидагиларга асосланади:

- Уюшма раиси номига берилган ариза;

- фуқаро, Уюшма ходими ва фуқаро фаолият олиб бораётган худуддаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланган уч томонлама тузилган далолатнома;

- ишлаб чиқарган махсулотининг 2 дона 10x15 ҳажмдаги фотосурати ва/ёки асл намунаси.

26. Бадий кенгаш томондан фуқароларни ҳунарманд ёки халқ амалий санъати устаси сифатида Уюшма аъзолигига қабул қилишда қуйидаги омилларга эътибор қаратилади:

- фуқаро фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" Уюшмасига аъзо бўлиш ва ҳунармандчилик фаолияти меъзонларига мос келиши;

- Уюшмага аъзо бўлиш истагида бўлган фуқаронинг фаолият олиб бораётган ҳунармандчилик йўналиши бўйича аниқ касбий кўникма ва талақаларга эга эканлиги;

РУЙХАТГА ОЛИНДИ
12/2018
10/21/2018

-хунармандчилик йўналиши бўйича фаолият юритиши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва кичик механизация воситаларидан фойдалана олиши кўникмаси борлиги;

-хар бир махсулот турини шахсан ўзи мукамал тайёрлай олиши.

6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

27.Бадиий кенгаш, тақдим этилган маълумотлар, далолатнома ва фотосуратлар ҳамда махсулот намуналарига асосланган ҳолда фуқаро фаолиятининг хунармандчилик ва халқ амалий санъати йўналишларига мос келиши тўғрисида қабул қилган қарорига жавобгар.

28.Уюшма аъзоси бўлган хунарманд келгусида Бадиий кенгаш қарорига зид равишда хунармандчилик ва халқ амалий санъати йўналишларига мос келмайдиган махсулотлар ишлаб чиқаргани ҳолда белгиланган имтиёзлардан кононуний фойдаланганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

29.Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

